

«Умумтаълим мактабларининг ўқувчиларини узлуксиз касб-хунарга йўналтириш»

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришганидан сўнг таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохатлар жараёнида асосий бўғин ҳисобланган умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятида ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш ва касб танлашга йўналтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Касбга йўналтиришдан асосий мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни онгли ва мустақил равишда касб танлашга тайёрлашдан иборат бўлиб, бу жараён шахсининг бўлғуси касбий фаолият субъекти сифатида шаклланишини назарда тутди ҳамда унинг бозор иқтисодиёти муносабатларига мослашиб боришига кўмаклашади.

Республикамызда таълим ислохатлари босқичма-босқич амалга ошириб борилаётган ҳозирги даврда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан ва ислохотнинг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда, касб-хунарга йўналтириш соҳасида мавжуд бўлган илмий хулосалар ва тавсиялар ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш, хусусан улкан уммон бўлган касблар олами билан таништириш усуллари янгилаш зарурати юзага келмоқда. Зеро, умумтаълим муассасалари ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш, уларнинг касб-хунарни онгли равишда ва тўғри танлашига кўмаклашиш масаласи таълим соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Узлуксиз таълим тизими ривожланишининг ҳозирги шароитида ўқувчилар билан олиб бориладиган касб-хунарга йўналтириш ишларини такомиллаштириш, уларни онгли касб танлашга, келгусидаги касбини ўзи белгилашга тайёрлаш умумтаълим мактабларининг муҳим вазифаларидан саналади.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишлари таълим-тарбия билан узвий кечадиган, унинг барча қирраларини қамраб оладиган узлуксиз жараёндир. Мактабгача, умумтаълим мактаблари ва мактабдан ташқари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, жамоа ташкилотлари ҳамда ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорлиги бу жараённинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Бундай ҳамкорлик ўсиб келаётган ёш авлодга онгли касб танлаш, ўз касбий истиқболини белгилаш ҳамда жамият равнақига муносиб ҳисса қўшиш имконини яратади.

Касбга йўналтиришнинг асосий мақсади - бу умумтаълим мактабларининг ўқувчи ва битирувчиларини онгли ва мустақил равишда

касб-хунар танлашга тайёрлаш, келгуси таълимнинг йўналишини ва касб-хунар эгаллашнинг усуллари аниқлаш.

Демак, мактабдаги ҳар бир ходим касб-хунарга йўналтириш бўйича қандай ишларни амалга оширишини билиши лозим. Чунки, касб-хунарга йўналтириш ишларини амалга оширишда нафақат мактаб касб-хунарга йўналтирувчиси ёки амалиётчи психологи, балки бутун мактаб жамоаси масъулдир.

2006-2007 ўқув йилида ўқувчиларни узлуксиз касб-хунарга йўналтириш Дастури ишлаб чиқилди, Халқ таълими вазирлиги томонидан (2007 йил 5 февралдаги 35-сонли буйруқ) тасдиқланиб, амалиётга киритилди.

Ушбу дастурда касб-хунарга йўналтиришнинг аниқ мақсадлари, вазифа ва йўналишлари, мактаб ўқувчилари билан олиб бориладиган касб-хунарга йўналтириш ишларининг қуйидаги босқичлари белгилаб берилган:

Биринчи босқич- “Касблар алифбоси” билан танишиш, эрта касб-хунарга йўналтириш;

Иккинчи босқич- “Ким бўлсам экан?” - бошланғич касб-хунарга йўналтириш;

Учинчи босқич – “Касблар оламига саёҳат” - ривожлантирувчи касбга йўналтириш;

Тўртинчи босқич - “Мен орзу қилган касб” - шахснинг касбий йўналганлигини шакллантириш ва ривожлантириш;

Бешинчи - якуний босқич - касбий мослашиш, касбий ўсиш ва шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши.

Ушбу дастурнинг бажарилишини илмий-услубий таъминлаш мақсадида қуйидаги услубий ишланмалар яратилиб, жойларга фойдаланиш учун етказилди: 1-2-3-4 синф ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш юзасидан машғулотлар ишланмалари, “Касблар ўйини” методик қўлланмаси, “Касблар алифбоси” кўргазмалари оммабоп ўқув қўлланмаси.

Бошланғич синф ўқувчиларига касб-хунарлар ҳақида тушунча берар эканмиз, уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, қизиқишлари, қобилиятларини инобатга олишимиз зарур. Бошланғич синф ўқувчиларини касб-хунар ҳақидаги тафаккур-ларини шакллантиришга самарали таъсир этадиган “Дебат”, “Тармоқлар”(Кластер) каби интерфаол усуллардан кенг фойдаланиш орқали юқори натижаларга эришиш мумкин.

“Дебат” усули асосида ўқувчилар билан келажакда қандай касб эгаси бўлишни хошлашлари ва танлаган касбларининг ўзига хос хусусиятлари, нима учун шу касбга қизиқишлари ҳақида суҳбат олиб борилади. “Мен келажакда қурувчи (шифокор, ўқитувчи, муҳандис, учувчи) бўлмоқчиман” мавзусида ташкил қилинган суҳбат натижасида ўқувчиларнинг қурувчи, шифокор, ўқитувчи, муҳандис, учувчи касблари ҳақидаги тушунчалари кенгайди, касбга бўлган қизиқишлари ортади, ўз мақсади, орзусини амалга ошириш учун илк қадам қўйилади. **“Тармоқлар”** (Кластер)-фикрларнинг тармоқланиши бўлиб, ўқувчиларни мавзуни чуқур ўзлаштиришларига ҳамда мавзуга тааллуқли аниқ фикрни жамоа бўлиб, эркин равишда, кетма-кетлик билан, бир-бирига узвий боғланган ҳолда тармоқлашни ўргатади. Бу ўринда

Ўқувчиларнинг билимларини аниқлаш учун тасаввур қилиш даражаси ҳисобга олинади. Шу мақсадни амалга ошириш учун ўқувчиларни (5-6 тадан) гуруҳларга ажратиб, қандай касбларни билишларини тармоқлаб, ёзиб бериш вазифаси топширилади. Ўқувчилар ёзган касб-хунарлари ҳақида қанчалик маълумотга эга эканликларини намоён этадилар, ўқитувчида эса қолган йўналишларни ривожлантириш имкони бўлади.

Шунингдек, турли касбий ўйинлар ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларида касбларнинг номлари билан таништириш, касблар оламининг турли-туманлиги, касбий тасаввурларни шакллантириш, катталар меҳнатига қизиқиш уйғотиш, турли касб вакиллариининг меҳнат шароитлари ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш мумкин.

“Мўъжизалар майдони”

Ўйиннинг мақсади: касблар оламининг турли-туманлиги тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш, касбларнинг номларини билиш.

Ўйиннинг бориши: Иштирокчилар уч кишидан командаларга бўлинадилар. Биринчи команда ўйинни бошлайди, бирор бир касбнинг номини ўйлайди ва қолганларга фақат шу касбнинг номи нечта ҳарфдан тузилганлигини айтади. Соат стрелкаси бўйича кейинги команда ҳарф айтади. Агар бундай ҳарф касб номида бўлмаса биринчи команда бу ҳақида маълум қилади ва ўйинни кейинги команда давом эттиради. Агар айтилган ҳарф сўзда бўлса, унда биринчи команда бу ҳарфнинг нечталигини ва унинг сўздаги ўрнини айтади. Шу команда кейинги ҳарфни айтади. Касб номини топган команда кейинги касб номини ўйлайди ва ўйинни давом эттиради.

Ўйиннинг давомийлиги: 20-30 минут

“Ҳа-йўқ”

Ўйиннинг мақсади: касблар таснифи ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш, мантиқий фикрлаш кўникмаларини, касбий фаолият доирасида таснифлаш тушунчаларини аниқлаш ва ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Бошловчи иштирокчиларни учтадан гуруҳларга бўлади. Гуруҳ иштирокчилари ўзаро ким- биринчи, ким-иккинчи, ким-учинчи бўлишини келишиб оладилар. Биринчи- бирор бир касб номини ўйлайди, лекин ҳеч кимга айтмайди. Иккинчининг вазифаси –имкони борица кам саволлар бериб, биринчи иштирокчи ўйлаган касбни топиши керак. Шундай саволлар бериш керакки, биринчи иштирокчи “ҳа ёки йўқ” деб жавоб бериши керак. Учинчи иштирокчи ўйиннинг боришини кузатади ва берилган саволларни санаб боради.

Касб номи топилгандан кейин иштирокчилар ролларини алмашадилар. Шу тариқа ҳар бир гуруҳ иштирокчиси ўзини турли ролларда (касб номини ўйловчи, топувчи, кузатувчи) синаб кўради.

Ўйинни муҳокама қилиш жараёнида кузатувчилар энг кам савол бериб касб номини топган иштирокчини аниқлайдилар. Касб номларини топувчилар иштирокчиларнинг қайси бирига касб номини топишга қийин бўлганини ва кимга осон бўлганини, қийинчиликларнинг сабабларини, вазифани тез бажариш имкониятлари ҳақида гапирадилар. Жавоб берувчилар

касб номларини топувчиларнинг қайси саволлари энг фойдали ва муваффақиятли бўлганлигини ва уларни жавобни топишларида ёрдам берганлигини маълум қиладилар.

Ўйиннинг давомийлиги: 30-45 минут

“Пиктограмма” (рамзий белгилар)

Ўйиннинг мақсади: турли касблар вакилларининг меҳнат шaroитлари ва мазмуни ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш.

Ўйиннинг бориши: Бошловчи иштирокчиларни учтадан гуруҳларга бўлади. Ҳар бир гуруҳ бирор бир касбнинг номини ўйлайди ва уни пиктограмма ёрдамида қоғозда акс эттиради. Танланган касбни таснифлашда фақат расмлардан фойдаланиш мумкин, рақамлар ва ҳарфлардан фойдаланиш тақиқланади.

Касбнинг пиктографик расми тайёр бўлганда, кейинги гуруҳга берилади ва улар акс эттирилган тасвирни таҳлили қиладилар ва касб номини айтадилар. Касб номини топишда учта уриниш рухсат берилади.

Бошловчи касбни тасвирлашга ва топишга вақт чегараланганини айтиб ўтади. Гуруҳларнинг бир қисми тасвирланган касбни топгандан кейин ўйин бошидан бошланади, лекин бу сафар пиктографик тасвир учинчи гуруҳга берилади. Шу тариқа, ўйин бир неча марта такрорланади. Ўйинни муҳокама қилишда иштирокчилар тасвирлаш жараёнида ва касб номини топишда қандай қийинчиликлар бўлганини, қандай касбларни топиш қийин бўлганини, шунингдек вазифани бажаришга нима ёрдам берганини аниқлайдилар.

Ўйиннинг давомийлиги: 30-45 минут

“Касблар алифбоси” Синф учта гуруҳга бўлиниб, алфавит ҳарфларини ҳам учтага бўлиб оладилар: Гуруҳлар беш дақиқада дафтарларига ўзларига тушган алфавит ҳарфларига касб номларини топиб ёзишлари керак.

Сўнгра бошловчи бирор бир ҳарфни айттадига шу ҳарф тушган гуруҳ касб номини айтади. Агар гуруҳ ушбу ҳарфга касб номини билмаса, у ҳолда бошқа гуруҳлар ўз вариантларини айтишлари мумкин. Ҳар бир касб номи учун очко берилади. Ўйин якунида очколар ҳисобланади ва ғолиб эълон қилинади. Бошловчи ҳам ўзи таклиф этган алфавит ҳарфларига қўшимча қилган касблар номлари учун очко олишлари мумкин.

Баҳс

Бошловчи: “Келажакда Ким бўлмоқчилигингиз, бу касб ҳақида нима билишингиз ва нима учун бу касбни эгалламоқчилигингиз ҳақида ёзинг”. Топшириқ бажариб бўлинганидан кейин хоҳловчилар ёзганларини ўқиб беришлари мумкин.

Саволлар:

1. Яна ким ушбу касбни эгалламоқчи?
2. Бу касб сизга нима учун ёқади?
3. Танлаган касбингиз сизни ўзига нимаси билан жалб қилди?

Ўйиннинг давомийлиги: 20-30 минут.

“МАКТАБДАГИ КАСБЛАР” ЎЙИНИ

Синф учта гуруҳга бўлинади. Бита гуруҳ мактабга алоқаси бўлган касбни (ўқитувчи, психолог, ошпаз, фаррош) айтади. Кейинги гуруҳ шу касбга таъриф беради ва яна битта касб номини учинчи гуруҳ учун айтади, ўйин шу тариқа айлана бўйича давом этади. Агар гуруҳ вазифани бажара олмаса, бошқа гуруҳ аъзолари бу имкониятдан фойдаланишлари мумкин. Гуруҳлар ҳар бир топилган касб номи ва унга берилган таъриф учун очко тўплайдилар. Сўнгра бошловчи болаларнинг шу мактабда ўқишлари учун меҳнат қилган касблар вакиллари (курувчилар, бўёқчилар, электриклар ва ҳ.к) таъриф беради. Ўқувчилар бу касб номларини топишлари керак. Агар гуруҳ берилган саволга жавоб бера олмаса, бошқа гуруҳ топшириқни бажариши ва очко тўплаши мумкин.

Баҳс

Яна қандай касб эгалари мактабда бўлиши кераклиги ҳақида ўйлаб кўриш таклиф этилади. Ўз фикрингизни асослаб беринг.

Ўйиннинг давомийлиги: 20-30 минут.

Гайнутдинова Лилия Рифкатовна – ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис марказининг “Таълим муассасаларида психологик хизмат бўлими бошлиғи”

Алимходжаева Сайёра Наджатовна – таълим муассасаларида психологик хизмат бўлими бош методисти